

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ  
ҚАРОРИ

**167 Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Умумий ўрта таълимга қўйилаётган замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда умумий ўрта таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги норматив-хуқуқий хужжатларни такомиллаштириш, умумий ўрта таълимнинг ўрта маҳсус, касб-хунар таълими билан узвий алоқадорлигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
3. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-хуқуқий хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирунлар.
4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим ва илм-фан масалалари ахборот-таҳлил департаменти зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 15 март,  
140-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 15 марта 140-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Умумий ўрта таълим тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш ва умумий ўрта таълим муассасаларининг (кейинги ўринларда — умумтаълим муассасаси) фаолиятини амалга ошириш тартибини белгилайди.

Мазкур Низом талаблари барча умумтаълим муассасаларига нисбатан татбиқ этилади.

2. Умумий ўрта таълимнинг муддати 9 йил бўлиб, узлуксиз таълим ти-

зимининг мажбурий мустақил тури ҳисобланади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунларига ва мазкур Низомга мувофиқ амалга оширилади.

3. Умумтаълим муассасалари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига, ушбу Низомга, бошқа норматив-хукукий хужжатларга, шунингдек ўз уставларига амал қиласди.

4. Умумтаълим муассасаси юридик шахс ҳисобланади ва ўз уставига, мустақил балансига, шахсий ғазна ҳисобваракларига (давлат таълим муассасалари учун), банк ҳисоб рақамларига, ўз номи кўрсатилган муҳрга (давлат умумтаълим муассасаларининг муҳрида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилади), штампга ва бланкаларга эга бўлади.

5. Умумтаълим муассасасининг устави белгиланган тартибда тасдиқланади ва умумтаълим муассасаси маҳаллий давлат хокимияти органида давлат рўйхатидан ўтказилади.

Умумтаълим муассасаларининг намунавий устави Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланади.

6. Давлат умумтаълим муассасаларида умумий ўрта таълим олиш бепул амалга оширилади.

7. Умумтаълим муассасасида таълим олиш тилини танлаш Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Конунига мувофиқ амалга оширилади.

## **2-боб. Умумий ўрта таълимнинг мақсади ва вазифалари**

8. Давлат таълим стандартларига мувофиқ ҳар бир шахснинг таълим ва тарбия олишдаги конституциявий хукукини рўёбга чиқариш умумий ўрта таълимнинг мақсади ҳисобланади.

Умумий ўрта таълим ўқувчиларга билимларнинг зарур ҳажмини беради, мустақил фикрлаш, ташкилотчилик қобилияти ва амалий тажриба кўникмаларини ривожлантиради, дастлабки тарзда касбга йўналтиришга ва таълимнинг навбатдаги босқичини танлашга ёрдам беради.

9. Умумий ўрта таълимнинг вазифалари куйидагилардан иборат:

ўқувчилар томонидан мунтазам билимлар олинишини таъминлаш, уларда билим олиш эҳтиёжини ривожлантириш, базавий ўкув, илмий ва умуммаданий билимларни шакллантириш;

ўқувчиларда миллий ҳамда умумбашарий қадриятларни уйғунлаштириш асосида юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, ўз Ватанига ва халқига содик фуқарони шакллантириш;

таълимнинг узлуксизлигини ва изчиллигини, умумтаълим муассасалари ўкув дастурларининг ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари ўкув дастурлари билан узвий боғлиқлигини таъминлаш;

таълим-тарбия жараённига ўқитишнинг замонавий ва инновацион педа-

гогик услубларини ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш орқали таълим сифатини ошириш;

ўқувчиларнинг индивидуал ижобий хусусиятларини аниқлаш, қўллаб-кувватлаш ва ривожлантириш, уларнинг юксак даражада таълим-тарбия олишлари, ижодий имкониятларини шакллантириш ва ривожлантириш учун шарт-шароит яратиб бериш;

мехнат қилиш ва мустақил ижодий фикрлаш кўнимкамларини шакллантириш, ўқувчиларни касбга йўналтириш, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларини онгли равишда танлаш ва касбий таълим дастурларини ўзлаштиришда кўмаклашиш.

10. Умумтаълим муассасалари умумий ўрта таълимнинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун зарур ташкилий, ўқув-услубий, моддий-техник ва психологик-педагогик шарт-шароитларни яратиб беради.

### **3-боб. Умумий ўрта таълимни ташкил этиш**

11. Умумий ўрта таълим бошланғич таълим (I — IV синфлар) ҳамда умумий ўрта таълим (I — IX синфлар) босқичларидан иборат бўлиб, кундузги таълим шаклида амалга оширилади.

12. Бошланғич таълим ўқувчиларда ўқиш, ёзиш, санаш, ўқув фаолиятининг асосий малака ва кўнимкамлари, ижодий фикрлаш хислатлари, ўзини ўзи назорат қилиш, нутқ ва хулқ-автор маданияти, шахсий гигиена ва соғлом турмуш тарзи асосларини эгаллашни таъминлашга йўналтирилади.

13. Умумий ўрта таълим мунтазам ва тизимли билимлар олинишини, кенг дунёқараш ҳамда ижодий мустақил фикрлаш шакллантирилишини, ўқувчининг баркамол шахс сифатида камол топишини, унинг қизиқишилари ва ижодий қобилиятларининг ривожлантирилишини таъминлайди.

Умумий ўрта таълим умумтаълим муассасаси битирувчиларига йўналишни ихтиёрий танлаш асосида таълимни ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида давом эттириш хукуқини беради.

14. Умумий ўрта таълим мазмуни ўқув режаси давлат ва мактаб компонентлардан иборат бўлади.

Давлат компонентлари умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти билан белгиланади ва ўқувчиларнинг ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида билимлар асосларини янада пухта ўрганиш ва касб-хунар эгаллаши учун етарли бўлган зарурий даражани белгилайди.

Мактаб компонентлари ўқувчининг эҳтиёжлари ва қобилиятларидан, мактабнинг моддий-техник ва кадрлар билан таъминланганлик даражасидан келиб чиқиб белгиланади.

15. Умумтаълим муассасаларининг қўйидаги турлари ташкил этилиши мумкин:

бошланғич мактаб (ўқитиши муддати 4 йил: I — IV синфлар);

умумий ўрта таълим мактаби (ўқитиши муддати 9 йил: I — IX синфлар);

айрим фанлар чуқур ўрганиладиган ихтисослаштирилган мактаб (ўқитиш муддати 9 йил: I — IX синфлар);

айрим фанлар чуқур ўрганиладиган ихтисослаштирилган мактаб-интернат (ўқитиш муддати 5 йил: V — IX синфлар);

футбол бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернат (ўқитиш муддати 5 йил: V — IX синфлар);

жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб (мактаб-интернат) (ўқитиш муддати 9 (10) йил: I — IX (X) синфлар);

санаторий туридаги ихтисослаштирилган мактаб-интернат (ўқитиш муддати 9 йил: I — IX синфлар);

алоҳида шароитларда таъминлаш, тарбиялаш ва таълим беришга муҳтож болалар учун ихтисослаштирилган мактаб (ўқитиш муддати заруриятга кўра).

Таълим турларининг узвийлигини таъминлаш мақсадида ўқув-тарбия мажмуалари ташкил этилиши мумкин.

16. Даволаш-профилактика муассасаларида стационар шароитда узоқ муддат даволанишга муҳтож болаларга бевосита муассасанинг ўзида умумий ўрта таълим бериш ташкил этилади.

Даволаш-профилактика муассасаларида стационар шароитда узоқ муддат даволанишга муҳтож болаларга умумий ўрта таълим бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

17. Умумтаълим муассасаларида иқтидорли болаларни излаш, танлаб олиш ва уларни айрим фанлар чуқур ўрганиладиган ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларида (синфларида) ўқитиш бўйича аниқ мақсадли ишлар амалга оширилади.

18. Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган ихтисослаштирилган мактаб (мактаб-интернат), футбол бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернат, жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб (мактаб-интернат), санаторий туридаги ихтисослаштирилган мактаб-интернат, алоҳида шароитларда таъминлаш, тарбиялаш ва таълим беришга муҳтож болалар учун ихтисослаштирилган мактабларни ташкил этиш тартиби ва улар фаолиятининг алоҳида хусусиятлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

19. Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган, алоҳида шароитларда ёхуд узоқ муддат даволанишга муҳтож бўлган болаларнинг таълим олишлари куйидаги шаклларда амалга оширилади:

жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактабда (мактаб-интернатда);

санаторий туридаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатда;

инклюзив (уйғулашган) шароитда яшаш жойларидағи умумий ўрта таълим мактабларида;

ўйда якка тартибда;

даволаш-профилактика муассасаларида стационар шароитда.

20. Олис (тоғли, чўлли) аҳоли пунктларида яшовчи мактаб ёшидаги болаларнинг умумий ўрта таълим олишларини ташкил этиш мақсадида те-

гишли туман (шахар) ҳокимликларининг қарори асосида умумтаълим муассасаларининг филиаллари ташкил этилади.

Умумтаълим муассасаларидаги ўкувчилик сони 100 нафаргача бўлади.

Бошқа умумтаълим муассасаларига яқинлиги ҳамда моддий-техник базасининг ҳолатидан келиб чиқиб, туман (шахар) ҳалқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари (кейинги ўринларда — ҳалқ таълими бошқарув органлари) ҳамда туман (шахар) ҳокимликлари молия бўлимларининг таклифларига кўра, тегишли туман (шахар) ҳокимликларининг қарорлари асосида ўкувчиларининг сони 180 нафаргача бўлган умумтаълим муассасалари ҳам филиалларга айлантирилиши мумкин.

21. Заруриятга кўра, умумтаълим муассасаларидаги ўкувчиларниң яшви ва овқатланиши учун лозим даражадаги шарт-шароитлар яратилади.

22. Ўкувчиларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг (кейинги ўринларда — ота-оналар) эҳтиёжидан келиб чиқиб, болаларнинг таълим-тарбиясига кўмаклашиш мақсадида умумтаълим муассасаларидаги куни узайтирилган гурӯхлар ташкил этилиши мумкин.

Куни узайтирилган гурӯхларнинг фаолият кўрсатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ҳалқ таълими вазирлиги томонидан Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади.

23. Янги ўкув йилида умумтаълим муассасасида ташкил этиладиган синфлар сони муассасанинг харажатлар сметасида назарда тутилган кўрсатичларга тўғри келмаган ҳолларда, худудий ҳалқ таълими бошқарув органлари ва туман (шахар) ҳокимликлари молия бўлимларининг розилиги билан қўшимча синфлар ташкил этилади.

#### **4-боб. Ўкув-тарбия жараёнини ташкил этиш ва унинг мазмуни**

24. Ўкув йили умумтаълим муассасаларидаги 2 сентябрдан келгуси йилнинг 25 майига қадар давом этади ва тўртта чоракка бўлинади.

25. Ўкув-тарбия жараёнини ташкил этишда қўйидаги муддатларга амал қилинади:

ўкув йилининг давомийлиги — 34 ҳафта (I синфлар учун 33 ҳафта);  
 ўкув ҳафтасининг давомийлиги — 6 кун (педагогик кенгашнинг қарорига кўра I синфлар учун 5 кун);

дарс машғулотининг давомийлиги — 45 дақиқа;  
 дарс машғулотлари оралиғидаги танаффуснинг давомийлиги — 5 — 10 дақиқа (ўкув куни ўртасидаги танаффуснинг давомийлиги — 15 — 30 дақиқа).

Мехнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида байрам (ишлилмайдиган) куни деб белгиланган кунларда дарс машғулотлари ўтказилмайди.

Байрам (ишлилмайдиган) кунларига тўғри келиб қолган дарс машғулот-

ларининг мавзулари ўкув дастурларини ихчамлаштирган ҳолда кейинги дарс машғулотларида ўтказилади.

26. Ўкув йили давомидаги таътилларнинг муддатлари қўйидагича белгиланади:

кузги таътил — 4 ноябрдан бошлаб 6 календарь кун;

қишики таътил — 28 декабрдан бошлаб 14 календарь кун;

баҳорги таътил — 21 марта бошлаб 7 календарь кун;

ёзги таътил — охирги босқичли назорат синови ўтказилган кундан (босқичли назорат ўтказилмайдиган синфлар учун ўкув йили тугаган кундан кейинги кундан) бошлаб 1 сентябргача.

Таътилнинг охирги куни байрам (ишланмайдиган) кунга тўғри келиб қолган тақдирда, дарс машғулотлари кейинги иш кунидан бошлаб давом эттирилади.

I синф ўкувчилари учун февраль ойи давомида қўшимча бир хафталик таътил белгиланади.

27. Умумтаълим муассасаларида ёзги таътил кунлари кундузги оромгоҳлар ва майдончалар ташкил этилиши мумкин.

28. Белгиланган меъёрлар бўйича тегишли майдонга эга бўлган умумтаълим муассасасининг синфлари тўлиқлиги 35 нафардан ортиб кетишига ўйл кўйилмайди.

Намунавий лойиҳалар бўйича курилмаган, мослаштирилган биноларда жойлашган, ўкувчилар сони етарли бўлмаган умумтаълим муассасаларида, олис (тоғли, чўлли) аҳоли пунктларида жойлашган умумтаълим муассасаларида, шунингдек ўзбек тилида ўқитилмайдиган умумтаълим муассасаларида ўкувчилар сони синфларни тўлдиришнинг ўзига хос шарт-шароитларидан келиб чиқиб, ҳудудий ҳалқ таълими бошқарув органлари ва туман (шахар) ҳокимликларининг молия бўлимлари билан келишилган ҳолда белгиланади.

Кам комплектли умумтаълим муассасаларида (филиалларда) бошлангич синф ўкувчилари қўйидаги ҳолларда битта синфга бирлаштирилиши мумкин:

ўкувчилар сони 8 нафаргача бўлган I — IV синфлар;

ўкувчилар сони 12 нафаргача бўлган учта бошлангич синф;

ўкувчилар сони 24 нафаргача бўлган иккита бошлангич синф (I ва III, II ва IV синфлар).

29. Малакали ўқитувчилар етарли бўлган қўйидаги ҳолларда синфдаги ўкувчиларни икки гурухга бўлиб ўқитишга рухсат этилади:

ўкувчилар сони 25 нафар ва ундан зиёд бўлган умумий ўрта таълим муассасаларининг I — IX синфларида «Чет тили» фани, айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим муассасаларида ихтисослашган фанлар, V — IX синфларда «Информатика» ва «Мехнат таълими», VIII — IX синфларда «Жисмоний тарбия», таълим тили ўзбек тили бўлмаган умумий ўрта таълим муассасаларининг II — IX синфларида «Ўзбек тили» фани ҳамда таълим тили рус тили бўлмаган умумий ўрта таълим муассасаларининг II — IX синфларида «Рус тили» фани бўйича.

30. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

31. Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув-тарбиявий ишлар умумий ўрта таълимнинг таянч ўқув режаси ва умумий ўрта таълим дастури асосида амалга оширилади.

32. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан давлат таълим стандартлари асосида янги ўқув йили учун ўқув режа ва унга тушунтириш хати ишлаб чиқилади ҳамда ҳар йили 1 июнга қадар умумтаълим муассасаларига етказиш учун Қорақалпогистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларига юборилади.

33. Ўқувчиларнинг сифатли билим олишини ва уларни умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларига мос ҳолда ўқитиш натижаларини назорат қилишни таъминлаш мақсадида умумтаълим муассасаларида кўйидаги назорат турлари олиб борилади:

жорий назорат — ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини мунтазам равиша назорат қилиш учун сўровлар, назорат ишлари ёки тестлар кўринишида ўтказилади;

оралиқ назорат — чорак якунида ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш учун ўқув дастурининг бир кисми тугаганда амалга оширилади ва ўёзма назорат иши ёки тестлар кўринишида олиб борилади;

босқичли назорат — ўқув йили тугаганда оғзаки, ўёзма имтихон ҳамда тест синовлари кўринишида амалга оширилиб, унга асосан ўқувчининг якуний баҳоси, рейтинги аниқланади ва ўқувчини кейинги синфга ўтказишга қарор қилинади;

якуний назорат — умумий ўрта таълим тугаганидан сўнг якуний давлат аттестацияси шаклида ўтказилади.

«Чет тили» фанидан ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси халқаро баҳолаш тизими асосида аниқланиши мумкин.

Умумтаълим муассасаси ўқувчиларининг билимлари сифатини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан белгиланади.

34. Умумтаълим муассасаларининг V — IX синф ўқувчилари тегишли фанлардан босқичли назоратларни муваффақиятли топширганларидан сўнг кейинги синфга ўтказилади.

35. Тиббий-маслаҳат комиссиясининг хулосаси ва умумтаълим муассасининг педагогик кенгаши қарори билан ўқувчилар якуний давлат аттестацияси ва босқичли назоратдан озод этилиши мумкин.

Ўқувчиларга синфдан синфга кўчириш имтихонлари ва якуний давлат аттестациясидан озод бўлиш хукуқини берувчи касалликлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

Ўқувчиларнинг халқаро ва республика олимпиадалари, танловлари, мусобақалари ҳамда бошқа кўрик-танловлардаги иштироқи якуний давлат ат-

тестацияси ва босқичли назорат муддатларига тўғри келиб қолган тақдирда, улар тегишли якуний давлат аттестацияси ва босқичли назоратлардан озод этилади.

Уларнинг билимларини якуний баҳолаш ва рейтингини аниқлаш йиллик баҳолар асосида амалга оширилади.

36. Умумтаълим муассасасини тугатган битирувчиларга давлат намунасидаги умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома, VIII — IX синфлардаги ўқиши даврида фақат аъло кўрсаткичларга ва намунали хулқقا эга бўлган, якуний давлат аттестациясини муваффакиятли топширган битирувчиларга эса аъло даражали шаҳодатнома берилади.

Умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатноманинг давлат намунасини тасдиқлаш ва уни бериш тартибини белгилаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан амалга оширилади.

37. Давлат таълим стандартлари доирасида умумий ўрта таълим дастурларини мустақил ўзлаштирган ўқувчиларга экстернат тартибида якуний давлат аттестациясини топшириш хуқуқи берилади. Якуний давлат аттестациясини экстернат тартибида муваффакиятли топширган битирувчиларга давлат намунасидаги шаҳодатнома берилади.

Экстернат тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланади.

38. Умумтаълим муассасаларидаги ўқув-тарбия жараёни билан боғлиқ бошқа масалалар (дарс жадвалини шакллантириш, ҳафталик ўқув юклама) умумий ўрта таълимнинг давлат стандартига асосан ишлаб чиқилган ўқув режага мувофиқ белгиланади.

## 5-боб. Умумтаълим муассасасига ўқишга қабул қилиш

39. Мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга қамраб олиш туман (шахар) ҳокимликларининг қарори билан умумтаълим муассасаларига бириклирилган худудлар (микрохудуд) доирасида умумтаълим муассасаси педагог ходимлари томонидан болаларни бирма-бир (уйма-уй) рўйхатга олиш орқали амалга оширилади.

40. Умумтаълим муассасалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва худудий халқ таълими бошқарув органлари мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга, умумтаълим муассасаси битирувчиларини ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларига тўлиқ қамраб олиш, ўқувчиларнинг дарсларга қатнашиш ҳолати юзасидан мониторинг олиб бориш ва унинг натижасида аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўради.

41. Умумтаълим муассасаси раҳбарияти мазкур муассасага бириклирилган худуддаги мактаб ёшидаги болаларни ўз вақтида умумтаълим муассасасига ўқишга жалб қилиш учун маъсъул хисобланади.

Мактаб ёшидаги болаларни умумтаълим муассасасига жалб этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади.

42. Умумтаълим муассасаларининг I синфига 6-7 ёшли болалар тиббий хулосага мувофиқ қабул қилинади.

Тегишли йилнинг 31 августига қадар 6,5 ёшга тўлмаган, I синфда ўқиш истагини билдирган болаларнинг ота-оналари билан умумтаълим муассасасининг педагог ходимлари ва психологи томонидан болани мактабда ўқишга жисмонан ва руҳан тайёрлаш бўйича тушунтириш ишлари олиб боради.

Мактаб ёшидаги болаларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлиги томонидан Халқ таълими вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади.

43. Болаларни умумтаълим муассасасининг I синфига қабул қилиш учун уларнинг ота-оналари томонидан қўйидаги хужжатлар топширилади:

ота-оналар томонидан умумтаълим муассасаси директори номига ариза;

ота-оналарнинг фуқаролик паспорти (фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси) нусхаси (доимий пропискаси ёки турган жойи бўйича хисобга олингандиги ҳақидаги қайд ёзуви кўрсатилган ҳолда);

боланинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси нусхаси;

боланинг соғлиғи тўғрисида тиббий маълумотнома;

боланинг 3,5 x 4,5 см хажмдаги 4 дона рангли фотосурати;

44. Болалар умумтаълим муассасасининг I синфига тайёргарлик дараҷасидан қатъи назар, танловсиз қабул қилинади, мусиқа ва санъатга ихтинослаштирилган таълим муассасалари бундан мустасно.

45. Республика ихтинослаштирилган мусиқа академик лицейлари ҳамда мусиқа ва санъатга ихтинослаштирилган умумтаълим муассасаларига ўқувчиларни қабул қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

46. Ўқишга қабул қилинаётган болаларнинг ота-оналари умумтаълим муассасаси устави, ички тартиб-қоидалари ва таълим-тарбия жараёнини тартибга солувчи бошқа хужжатлар билан таништирилиши лозим.

Умумтаълим муассасасида хужжатларни юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланади.

47. Умумтаълим муассасаси раҳбарияти ҳар йили июнь-август ойларида ўқишга қабул қилиш ишларини ташкил этиш учун зарур чораларни кўради.

48. Хорижий фуқароларни умумтаълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

49. Ота-оналар фарзандларини ўқув йили давомида ёки у тугаганидан кейин бир синфдан бошқа синфга ёки бир умумтаълим муассасасидан бошқасига ўтказиш хукуқига эга.

Ўқувчиларни синфдан синфа, бир умумтаълим муассасасидан бошқасига ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади.

## **6-боб. Ўқувчилар соғлигини муҳофаза қилиш**

50. Ўқувчиларга тиббий хизмат кўрсатиш умумтаълим муассасалари га тиббиёт муассасалари томонидан биритирилган тиббиёт ходимлари томонидан амалга оширилади.

Тиббиёт ходимлари мактаб раҳбарияти ва педагог ходимлар билан бир каторда даволаш-профилактика тадбирларини ташкил этиш, санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига риоя қилиш, овқатланиш режими ва сифатига, ўқувчиларни тиббий кўрикни ўтказиш ва соғломлаштириш учун масъулдирлар.

51. Умумтаълим муассасаси раҳбарияти томонидан тиббиёт ходимларинг фаолият олиб бориши учун зарур шарт-шароитлар (махсус жой, мебель ва тиббий жиҳозлар, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган дори-дармонлар) яратиб берилади.

52. Умумтаълим муассасаси ўқувчиларини ҳар йилги тиббий кўриқдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

53. Умумтаълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини психологик жиҳатдан таъминлаш психологлар томонидан амалга оширилади.

54. Оғзаки нутқ нуқсонлари ва товуш талаффузида камчиликлари бўлган ўқувчиларга коррекцион-логопедик ёрдам бериш мақсадида умумтаълим муассасасида ўқитувчи-логопедлар (дефектологлар) фаолият юритадиган логопедия шоҳобчаси ташкил этилиши мумкин.

Логопедия шоҳобчасининг ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади.

## **7-боб. Педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш**

55. Тегишли маълумоти, касб тайёргарлиги бор ва юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

Педагогик фаолият билан шуғулланиш суд ҳукмига асосан ман этилган шахсларнинг умумтаълим муассасаларида бу фаолият билан шуғулланишига ўйл қўйилмайди.

56. Педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, касб маҳоратининг рақобатбардош даражада сақлаб турилиши халқ таълими бошқаруви органлари томонидан ташкил этилади ва назорат қилинади.

57. Умумтаълим муассасаси педагогик жамоа аъзолари ўқитиш йўналишлари (табиий, аник, гуманитар, ижтимоий ва башка фанлар) бўйича услубий бирлашмаларга бирлашадилар.

58. Умумтаълим муассасалари ўқитувчиларининг (ўқув фанлари ва соатлари бўйича) вазифасини вактинча бажариб туриш тартиби ҳамда ходимла-

рининг синфдан ташқари фаолиятини тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади.

59. Умумтаълим муассасаси раҳбарияти ўқитувчиларнинг обрў-эътибори ва ижтимоий мақомини, уларнинг масъулияти ва касб маҳоратини ошириш бўйича аниқ йўналиши ишларни амалга оширади, уларнинг тизимли равишда малака оширишлари ва ўз устида ишлашлари, таълим жараёнига илфор педагогик ва ахборот коммуникация технологиялари, шунингдек янги ўқув дастурлари жорий этилиши учун шарт-шароитлар яратади.

### **8-боб. Умумий ўрта таълимни бошқариш**

60. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги умумий ўрта таълимни бошқариш бўйича маҳсус ваколат берилган орган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимини Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, вилоятлар халқ таълими бошқармалари, халқ таълими бошқарув органлари ҳамда бошқа ташкилотлар ташкил этади.

Худудий халқ таълими бошқарув органлари икки томонлама — Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига ҳамда тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, Тошкент шаҳар, вилоятлар ва туман (шаҳар) ҳокимликларига бўйсунади.

61. Вазирлик ва идоралар тизимидағи умумтаълим муассасалари бевосита тегишли вазирлик ва идорага бўйсунади.

62. Вазирлик ва идоралар тизимидағи умумтаълим муассасалари уларни жойлаштириш учун тегишли бино, моддий-техник база (мебель, ўқув-лаборатория жиҳозлари, ахборот-коммуникация технологиялари, спорт анжомлари ва бошқалар) ҳамда малакали раҳбар ходимлар ва педагоглар мавжуд бўлганда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ ташкил этилади.

Махаллий давлат ҳокимияти органлари тизимидағи умумтаълим муассасалари минтақаларнинг ижтимоий-иктисодий ривожлантириш эҳтиёжларига мувофиқлиги таъминланган холда, уларни жойлаштириш учун тегишли бино, моддий-техник база (мебель, ўқув-лаборатория жиҳозлари, ахборот-коммуникация технологиялари, спорт анжомлари ва бошқалар) ҳамда малакали раҳбар ходимлар ва педагоглар мавжуд бўлганда, тегишлича вилоят ёки туман (шаҳар) ҳокимликларининг қарорига мувофиқ ташкил этилади.

Нодавлат таълим муассасалари муассис (таъсисчи) томонидан ташкил этилади ва қонун хужжатларига мувофиқ бериладиган лицензия асосида фаолият юритади.

63. Умумтаълим муассасасига бевосита раҳбарлик тегишли халқ таълими бошқарув органи томонидан тайинланган директор томонидан амалга оширилади.

Умумтаълим муассасаси директори муассасанинг ташкилий-хукуқий,

ўқув-тарбиявий, маънавий-маърифий ва молиявий-хўжалик фаолиятининг ташкил этилишига бевосита масъул ҳисобланади.

64. Нодавлат таълим муассасаларидаги ҳамда идоравий бўйсунувидан қатъи назар, барча давлат умумтаълим муассасаларидаги ўқув-тарбия жараёнига услубий раҳбарлик Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпогистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шахар халқ таълими бош бошқармаси, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва халқ таълими бошқарув органлари томонидан амалга оширилади.

65. Умумтаълим муассасаларида педагогик ва методик кенгашлар тузилиди. Умумтаълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштириш, унинг моддий-техник базани мустаҳкамлаш ва фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш, таълим жараёни иштирокчиларининг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш максадида васийлик кенгашлари тузилиши мумкин. Педагогик, методик ва васийлик кенгашларининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тартибга солинади.

66. Педагогик кенгаш умумтаълим муассасасида ўқув-тарбия жараёнини ташкил этилишида олий бошқарув органи ҳисобланади.

67. Умумтаълим муассасасида қонун ҳужжатларига мувофиқ ўқувчиларнинг жамоат бирлашмалари фаолият кўрсатади.

68. Умумтаълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш ва аккредитация қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

69. Умумтаълим муассасасининг раҳбар ва педагог ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

## 9-боб. Молиялаштириш ва моддий-техник таъминоти

70. Давлат умумтаълим муассасасининг фаолиятини молиялаштириш белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ва тасдиқланган харажатлар сметасига мувофиқ амалга оширилади.

71. Давлат умумтаълим муассасасига бюджетдан ташқари қўшимча маблагларни жалб этиш бюджетдан молиялаштириш камайтиришга олиб келмаслиги лозим.

72. Умумтаълим муассасаси ўз уставида белгиланган максадларга мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин.

73. Давлат умумтаълим муассасалари фаолиятини молиялаштириш қўйидаги манбалар ҳисобидан амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблаглари;

умумтаълим муассасасининг тадбиркорлик фаолиятидан, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган шартнома асосида пулли хизмат кўрсатиш, бино ва иншоотларни, жихоз ва анжомларни ижарага беришдан олинган даромадлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун билан тақиқланмаган ҳомийлик хайриялари, маҳаллий ҳамда халқаро ташкилотларнинг грантлари;

конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

74. Давлат умумтаълим муассасалари штатидаги ходимлар сони умумтаълим муассасаларининг намунавий штатларига мувофиқ белгиланади.

Давлат умумтаълим муассасаларининг намунавий штатлари Ўзбекистон Республикаси Мехнат вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Ҳалқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланади.

75. Умумтаълим муассасасида ўқувчиларга давлат таълим стандартлари доирасида бепул умумий ўрта таълим берилишидан ташқари, қўшимча (шу жумладан пулли) таълим хизматлари кўрсатилиши мумкин.

Ота-оналарнинг истакларига кўра, умумтаълим муассасаларида пулли хизмат асосида 5-6 ёшли болаларни умумий ўрта таълимга тайёрлов гурухлари ҳам ташкил этилиши мумкин.

76. Конун ҳужжатларида тақиқланмаган фаолиятдан олинган даромад хисобига сотиб олинган мол-мулк умумтаълим муассасасининг мол-мулки таркибиға киритилади.

77. Умумтаълим муассасасининг мол-мулки ва пул маблағлари сарфланни учун бевосита унинг раҳбари жавобгар ҳисобланади.

78. Умумтаълим муассасаси томонидан конун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ва статистик ҳисбот юритилади.

79. Умумтаълим муассасаси ходимларини моддий ва маънавий рағбатлантириш ҳамда иш ҳақига устамалар конун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

80. Умумтаълим муассасаларининг моддий-техник таъминоти ва кадрлар билан таъминланиши белгиланган нормативларга мувофиқ эҳтиёжлар асосида амалга оширилади.

## 10-боб. Якуний қоидалар

81. Умумтаълим муассасалари ва ҳалқ таълими бошқарув органларининг ҳалқаро ҳамкорлиги ҳалқаро шартномалар асосида ҳалқаро ва хорижий ташкилотлар билан педагогик ахборот ва тажриба алмашиш, педагог ходимларнинг малака ошириши ҳамда стажировка ўташи шаклида амалга оширилади.

82. Умумтаълим муассасалари ўқувчиларнинг ота-оналари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа таълим муассасалари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар билан узвий алоқада фаолият кўрсатади.

83. Умумтаълим муассасаларида уларнинг иш фаолияти билан боғлик бўлмаган ташкилотлар, жумладан, сиёсий партиялар ва харакатлар ташкил этилишига ва фаолият юритишига йўл қўйилмайди.

84. Умумтаълим муассасасини қайта ташкил этиш ёки тугатиш конун талабларида мувофиқ ўқув йили якунида муассис (таъсисчи) томонидан амалга оширилади.

Тугатилган умумтаълим муассасаси муассиси (таъсисчиси) ўқувчиларни ота-оналарнинг розилиги билан бошқа умумтаълим муассасаларига ўтказиш масъулиятини олади.

167-модда

— 148 —

11 (771)-сон

85. Умумтаълим муассасаси тугатилган тақдирда унинг пул маблағлари ва мол-мулкидан, унинг мажбуриятларини қоплаш бўйича тўловлар чегирилган ҳолда, қонун ҳужжатларига ва умумтаълим муассасаси уставига мувофиқ фойдаланилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 15 мартағи 140-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган  
деб ҳисоблананаётган айрим қарорлари  
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Таълим муассасалари тўғрисидаги норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида» 1995 йил 21 ноябрдаги 440-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1995 й., 11-сон, 44-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Касб-хунар таълими ўқув юртлари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 1996 йил 11 декабрдаги 439-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1996 й., 12-сон, 36-модда).

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида» 1998 йил 13 майдаги 203-сон қарорининг 2-банди, шунингдек қарорга 1-илова.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Умумтаълим мактабларининг ўқув биноларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1999 йил 19 июлдаги 352-сон қарори.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимига изчил ўтишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2003 йил 29 октябрдаги 473-сон қарори 1-бандининг учинчи хатбоси, шунингдек қарорга 2-илова.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Вазирлар Маҳкамасининг «Мактабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 28 февралдаги 50-сон ҳамда «Халқ таълими ҳудудий органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида» 2011 йил 1 мартағи 52-сон қарорлари)» 2011 йил 20 июняғи 183-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 6-сон, 55-модда)га илованинг 1 ва 4-бандлари.